Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

6-йил чиқиши. 3 ИЮНЬ 1971 й. ПАЙШАНБА № 129 (1604). БАҲОСИ 2 ТИЙИН.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Беш йиллик вахтасида

МАШИНАЛАР ЙЎЛГА ЧИҚДИ

Бу ердан ҳар куни шаҳримиздаги ноёб қурилишлар ўн тўққиз қаватли маъмурий бино, асосий универсал магазин, Телевизион марказ, ёшлар уйи, матлубот кооперацияси уйи, Ўзбекистон КП Марказий Комитети гаражи, республика Министрлар Советининг гаражи ва Республика спорт жамиятлари ва ташкилотлари Союзи биноси сингари ўнлаб объектларга тайёр бетон ҳамда қоришма юборилади.

Қоришма ва бетонни ўз вақтида қурувчиларга етказиб беришда 11-«Висотстрой» трестининг ишлаб чиқариш техника комплектацияси бошқармасининг коллективи уч сменада ишламоқда.

— Ҳар куни қурилиш объектларига коллективимиз 300—350 кубометр бетон ҳамда қоришма тайёрлаб беради,—деди бошқарманинг бош инженери Аброр Шомақсудов,—биз масъулиятни ҳис қилган ҳолда объектларга зарур қурилиш маҳсулотларини ўз вақтида етказиб бериш учун барча имкониятларни ишга соляпмиз. Бундан ташқари, коллективимиз ёғочни қайта ишлаш участкасида қурилишлар учун зарур бўлган қолипларни (опалубкаларни) ҳам тайёрлаб бермоқда. Ҳар куни 100—120 машина объектларга йўл олади.

Бугун

орталаб бошқарма корхоналаридан 50 машина бетон ва қоришма юкланган автомобиль объектларга жўнаб кетди. Улар кечгача яна объектларга икки-уч марта қатнашади.

«Қизил тонг» фирмасининг коллективи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари адо этиш борасида баракали меҳнат қилаяпти.

СУРАТДА: беш йиллик шахсий топшириқларини тўрт йилда адо этишга аҳд қилган зарбдор тикувчи Зинаида Симонова. Бу лавар аёл корхонада 23 йилдан буён ишлайди.

М. Нуриддинов фотолари.

ТАШАББУСГА ҚЎШИЛИБ

«Беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажарамиз» — Ўзбекистон кўрлар жамиятининг Тошкентдаги 1-ишлаб чиқариш комбинати коллективи ана шундай шиор остида меҳнат қилмоқда. Коллектив аъзолари республикадаги илғор саноат корхоналарининг беш йиллик топшириқни муддатидан илгари адо этиш юзасидан бошлаган ташаббусига яқдиллик билан қўшилдилар. Улар ўз ички имкониятларини ҳисобга олиб чиқиб, беш йиллик планни тўрт йил-у саккиз ой мобайнида бажаришга, шу давр ичида 17 миллион 322 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилишга қарор қилдилар. Бу — ўтган саккизинчи беш йиллик мобайнида ишлаб чиқарилганидан беш миллион сўмлик кўп демакдир.

Комбинат ишчилари юксак мажбуриятларни шараф билан бажариш учун курашиб беш ойлик топшириқни ҳам муваффақиятли адо этдилар.

Ер ерда меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича беш йиллик планни барвақт адо этишга бел боғлаган ишчилар миқдори кун сайин ошиб боряпти. Ҳозир комбинатнинг 185 ишчиси зиммасига ана шундай шарафли мажбурият олди.

Комбинат 1-цехининг аъзоларидан ўтган беш ой мобайнида илғорликни қўлдан беришмади. Цех ишчиларининг шу кунги ғайрати ҳам ўзгача.

Стереофоник грампластинкалар

Тошкент грампластинка заводида пластинкаларнинг янги-янги хилларини ўзлаштиришга эътибор берилмоқда.

Бугун

корхонада стереофоник овозли пластинкалар ишлаб чиқарувчи янги цехда техника жиҳозларини ўрнатишга киришилди. Ҳозир биринчи навбатда ҳар хил аппаратлар, поток линиялар ўрнатилмоқда.

Шу кунларда корхона мутахассисларидан бир группаси Совет Иттифоқининг турли шаҳарларидаги грампластинка заводларида тажриба ўрганмоқдалар. Улар яқин орада корхонада янги маҳсулот тайёрлашни йўлга қўядилар.

Шундай қилиб, келгуси ойдан бошлаб Тошкентда биринчи марта стереофоник овозли пластинкалар ишлаб чиқарила бошланади.

Йил охиригача совет композиторларин и н г йирик музика асарлари ёзилган 200 мингта савдо ташкилотларига етказиб берилади.

Цирк артистлари довруғи

Ўзбекистон ССР халқ артисти уста чавандоз Лола Ҳўжаевнинг маҳоратига минглаб томошабинлар қойил қолишган. Таниқли санъаткор Бельгиядаги гастролларини муваффақиятли тамомлади. У ўз фарзандлари билан бу мамлакатнинг бир неча шаҳарларида юзлаб томошалар кўрсатди.

Чавандоз шу кунларда қардош Россия Федерациясида ўз гастролларини бошлади. Ҳаким Зариповнинг бошчилигидаги санъаткорлар эса Польша томошабинларига завқ бахш этишди. Улар ҳозирда Кривой Рог шаҳрида томошабинларга ҳизмат қилишмоқда.

ЛАГЕРЛАР БОЛАЛАР ИХТИЁРИДА

Шаҳар Совети ижроия комитетига қарашли ремонт-қурилиш трестининг 5-бошқармаси коллективи мактаблардаги болалар лагерларини ёзги мавсумга тайёрлашда жонбозлик кўрсатди.

Бугун

Октябрь ва Собир Раҳимов районларидаги 90, 84, 42, 85 ,13, 137-мактаблардаги лагерлар фойдаланишга топширилди. Бинокорлар спорт майдонлари, овқатланиш заллари, ётоқхоналарни ремонтдан чиқардилар.

Айни пайтда мактаб бинолари ни янги ўқув йили учун қайта ремонт қилиш ишлари ҳам бошлаб юборилди.

13 июнь САЙЛОВЛАР КУНИ

Пухта ҳозирлик

Ҳозир ҳар бир сайлов участкаси ва округида Ўзбекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Советларга ўтказиладиган сайловларга тайёргарликнинг қизғин дамлари бошланди. Номзодларни кўрсатиш тугалланди.

Октябрь районидаги 37-сайлов участкасидамиз. Хонако, Фузулий ва Хислат каби уч маҳаллани ўз ичига олган бу сайлов участкасида меҳнаткашлар уюшқоқлик билан республикамиз олий органига ва маҳаллий Советлари депутатлигига ўз номзодларини кўрсатишди.

Сайлов участкаси қошидаги агитпункт мудираси Галина Раҳматуллаева билан суҳбатда бўлдик.

— Агитпунктда тез-тез лекция ва номзодлар билан учрашувлар уюштирилмоқда. Сайлов участкамиз бўйича 36 агитатор меҳнаткашларга КПСС XXIV съезди қарорлари ҳамда Совет сайлов системаси тўғрисида тушунтиришлар олиб боришмоқда. Айниқса, Т. Жалолиддинова, Р. Ҳасанова, С. Орипов, Н. Эргашев, А. Ҳидоятов каби агитаторлар иши таҳсинга сазовор.

Яқинда сайловчилар шаҳар ва район Советларига депутатликка номзодлар Н. Факеев, М. Мамедовалар билан учрашдилар. Гоятда таъсирли ўтган учрашувдан сўнг, сайловчилар номзодларининг халқ хизмати йўлида жон куйдирадиган кишилар эканлигига ишонч ҳосил қилишди.

Учрашув сўнггида 59-мактаб ёш ҳаваскорлари ижросида сайловчиларга концерт қўйиб берилди.

МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

Кеча

Тошкент область партия комитети ва шаҳар партия комитетининг мажлислар залида беш йиллик планларини бажаришда катта муваффақиятларни қўлга киритган қурилиш материаллари саноати корхоналарининг ишчи ва хизматчилари, геологлар, «Узгипроводхоз» ва «Узгипроводхлопок» лойиҳа институтларининг ходимларидан катта бир группасига ҳукумат мукофотларини топшириш маросими бўлди.

Мукофотларни СССР Олий Совети Президиуми топшириғига биноан Ўзбекистон КП Тошкент область комитетининг иккинчи секретари Б. М. Истомин, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг аъзоси, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Х. Асомов, Тошкент шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари В. Окунскийлар топширдилар.

«Подъемник» заводининг машинасозлари кўнгина қардош социалистик мамлакатларнинг буюртмаларини адо этмоқдалар.

СУРАТДА: 10 тоннали кўтарма кранлар тайёрловчи экспорт участкасининг илғор машинасозларидан (чапдан ўнгга) мастер Ройиб Ғафуров билан монтажчи Александр Комаров янги кўтарма кранни йиғиш пайтида.

ЯКУНЛОВЧИ МАШҒУЛОТ

Кеча

Тошкент шаҳар халқаро муносабатлар халқ университетининг юбилей йилидаги охирги—ўнинчи машғулоти якунланди.

Машғулотда Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг лектори Е. Блок халқаро аҳвол тўғрисида лекция ўқиди. Сўнгра ўқув йилига якун ясалиб, университет тингловчиларига Туркистон ҳарбий округи эстрада ансамбли қатнашчилари ижросида концерт қўйиб берилди.

ЯНГИ ЖИҲОЗЛАР

Шу кунларда Тошкент «Реммебель» комбинатида реконструкция ишлари олиб борилмоқда. Бунинг учун икки миллион сўмдан кўпроқ маблағ серф қилинади. Реконструкция ишлари тугагандан сўнг корхона қуввати қарийб икки баравар ортади.

Бугун

рандалаш цехида пардозлаш ишлари бошланди. Чунки цехни янги агрегатлар билан жиҳозлаш кўзда тутилмоқда. Бу ҳол буюртмалар ҳажмини ошириш ва сифатини янада яхшилаш имкониятини беради.

Математиклар конференцияси

Тошкент Политехника институти кечки ва сиртқи таълим бўйича олий математика кафедрасининг навбатдаги илмий конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияда институтнинг Чирчиқ, Бухоро, Ангрен, Олмалиқ, Навоий, Учқудуқ, Зарафшон шаҳарларидаги филиаллари ўқитувчилари ҳам ўз докладлари билан фаол иштирок этдилар.

Тўрт кун давом этган конференцияда тингланган 15 илмий, илмий-методик доклад назарий ҳам амалий жиҳатдан пухта тайёрланганлиги, ўқитувчилар математика илмини ёшларга пухта ўргатаётганликларини яққол кўрсатди.

И. В. КАПИТОНОВ ЎЗБЕКИСТОНДА

КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ И. В. Капитонов биринчи июнда Тошкентга келди.

Ўртоқ И. В. Капитонов кеча В. И. Ленин Марказий музейининг филиалини бориб кўрди. Сўнгра у «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозида ва В. П. Чкалов номли авиация заводида бўлди, пахтакорлар, самолётсозларнинг иши билан, ишчи ва хизматчиларнинг турмуш шароитлари билан, коллективларда КПСС XXIV съездининг тарихий қарорлари қандай амалга оширилаётганлиги билан танишди. У, совхоз, завод раҳбарлари, партия ташкилотларининг секретарлари, мутахассислар ва ишчилар билан суҳбатлашди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов ва республиканинг бошқа раҳбар ходимлари ўртоқ И. В. Капитонов билан бирга бўлдилар.

(ЎзТАГ).

БАДИИЙ КЎРГАЗМАЛАР

Бугун

РЕСПУБЛИКА МАҲАЛЛИЙ САНОАТ МИНИСТР Л И Г И НИНГ БАДИИЙ БУЮМЛАР БОШҚАРМАСИ БИР НЕЧА БАДИИЙ БУЮМЛАР КЎРГАЗМАЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШГА КИРИШДИ.

Бу кўргазмаларда республика корхоналарида ишлаб чиқарилаётган миллий гиламлар, полослар, нафис ўймакорлик буюмлари, сўзана, чойшаб, зардевор ва бошқа хил буюмлар намойиш этилади.

Бу кўргазмалар ёзда Вильнюс шаҳрида намойиш этилади. Яна бир кўргазма эса Тошкентдаги республика халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида очилади.

ТАРАДДУД

Чилонзордаги Фарҳод кўчаси билан Ғафур Ғулом кўчаси муюлишида жойлашган колхоз бозори кенгайиб боряпти.

Пишиқчилик бошланяпти. Деҳқонлар бозорларга ёз неъматларини олиб келмоқдалар. Шу муносабат билан бозорда қовун-тарвузлар билан савдо қилишга мўлжалланган махсус жойлар ташкил қилинди. Тўлиқсидан 20 та савдо павильони келтирилди. Павильонлар қулай бўлиб, ҳар бирида 12 киши савдо қила олади. Бундан ташқари 100 та савдо столи ўрнатилди.

СТУДЕНТЛАР МЕҲНАТ ҚУЧОҒИДА

Республика студентлари қурилиш отрядида бу йилги меҳнат семестрига қизғин ҳозирлик кўрилмоқда.

Бугун

бир қатор олий ўқув юртлари студентлари билан меҳнат семестри учун шартномалар тузиб чиқилди. Дастлабки маълумотларга қараганда ҳозирда 11 миллион сўмлик қурилиш ишлари бажариладн. Яна 6 миллион сўмлик ишларга шартномалар тузилади.

Меҳнат семестрида қатнашадиган Тошкент Давлат университети, Политехника институти, педагогика, медицина, қишлоқ хўжалиги институтлари студентлари республиканинг зарбдор қурилишларида қатнашадилар.

Бундан ташқари кўпгина ёшлар Дағистонда зилзила оқибатларини тугатишга бордилар.

ҚАЛДИРҒОЧЛАР

Мактабларда ҳаяжонли кунлар бошланди. Ёшларимиз давлат имтиҳонларини муваффақиятли топшириб, йил бўйи олган билимларини намойиш қилмоқдалар. Куйбишев районидаги 54-ўрта мактабда ҳам имтиҳонлар кўнгилдагидек ўтмоқда.

— Бу йил мактабимизнинг 10-синфларини 60 йигит-қиз тамомлайди,— дейди директор Алексей Михайлович Борисов.— Улар етуклик аттестати билан ишлаб чиқариш корхоналарига, олий ўқув юртларига ва касб-ҳунар эгаллашга боришга аҳд қилишган.

Ёшлар мактабда ўтказилган «Ким бўлишни истайсан?» деган кечада ўз орзу-истакларини айтишди. Ота-оналар, корхоналардан келган илғор ишчилар ва ўқитувчилар уларга ўзларининг қимматли маслаҳатларини беришди.

К е ч а Тошкентдаги 92-ўрта мактабнинг 10-синф ўқувчиларч адабиётдан ниш ёздилар.

СУРАТДА: имтиҳон пайти.

Б. Мансуров фотоси.

Футбол

БИРИНЧИ ЎЙИНДА ЙИРИК ҒАЛАБА

Кеча Совет Иттифоқи футбол мухлислари мамлакатимиз олимпиада терма командасини биринчи марта янги составда кўришга муваффақ бўлдилар. Совет футболчилари Москвада Голландия командаси билан олимпиада саралаш ўйинларининг биринчи учрашувини ўтказишди.

СССР олимпиада терма командаси шарафини қуйидаги футболчилар ҳимоя қилишди: — дарвозабон — Ткаченко, («Заря»), ҳимоячилар — Булавин («Зенит»), Иванов, Абрамов (иккаласи ҳам «Спартак», Москва командасидан), Зиков («Динамо»), Москва, ярим ҳимоячилар —Анриасян, Бондаренко (иккаласи ҳам «Арарат»дан), ҳужумчилар — Шалимов («Торпедо»), Трошкин («Динамо», Киев), Гончаров («Зенит»), Козинкевич («Шахтер»).

Голландия футболчилари бу ўйинда дурангга рози эканликларини билдириб, дастлаб ўз дарвозаларини даҳлсиз қолдиришга ҳаракат қилдилар. Улар олдинда икки ҳужумчини қолдириб, асосий кучни ўз жарима майдонларида тўпладилар. Совет футболчилари бериб қўйилган эркинликдан фойдаланиб кетма-кет ҳужум қилишади. Гол киритиш мумкин бўлган вазиятлар ёмғирдек ёғилади. Лекин ҳужумчиларимиз, айниқса Гончаров бир неча марта жуда қулай вазиятларни бой беришади. Шуни айтиш керакки, меҳмонлар дарвозабони ўйинниг биринчи ярмида ўзининг юксак маҳоратини намойиш қилди. Лекин учрашувниг 44-минутида у ҳам ожизлик қилиб қолди. Иванов — Козинкевич комбинацияси дарвозани ишғол қилиш билан якунланди.

Ўйиннинг иккинчи ярмида совет футболчилари меҳмонлар дарвозасига яна уч тўп киритишга муваффақ бўлдилар, 54-минутда Трошкин ҳисобини 2:0 га, 64-минутда Козинкевич 3:0 га етказди. 74-минутда Шалимов голландиялик ҳимоячиларнинг хатосидан фойдаланиб, яна бир тўп киритди. Совет футболчилари биринчи ўйинда 4:0 ҳисоби билан йирик ғалабага эришдилар.

Аҳолига қулайлик

ҲАММА МАМНУН

«Октябрь» массивида аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатадиган бинолар кўплаб қурилмоқда.

Бугун

массивда янги саноат моллари магазини очилди. Унда атторлик буюмлари билан савдо қиладиган бўлим ҳам бор.

Бу ерда қурилаётган хўжалик моллари магазини ҳам яқин кунларда фойдаланишга топширилади.

чет элларда

⊙ ҚОҲИРА. Президент А. Садатнинг декретига биноан, Бирлашган Араб Республикасида бевосита сайлов ўтказиш йўли билан Араб Социалистик иттифоқини қуйидан юқоригача қайта тузишни кузатувчи 100 кишидан иборат кабинет тузилди.

МЕН агентлигининг хабар қилишича, кабинет составига кирувчи 100 кишининг ярмиси ишчилар билан деҳқонларнинг вакилларидир. Комитетга Муҳаммад Шалоби Юсуф бошчилик қилади.

⊙ УЛАН-БАТОР. Монголия Халқ Республикаси билан Чили Республикасининг ҳукуматлари элчилар даражасида икки кала мамлакат ўртасида дипломатия муносабатларни ўрнатишга қарор қилдилар, деб хабар берди МОНЦАМЭ агентлиги.

⊙ ДАМАШҚ. Сурия китоб магазинларига Карл Маркснинг араб тилига таржима қилинган «Капитал»ининг биринчи томи сотишга чиқарилди. Дамашқ университетининг профессори Антон Хомс ана шу асарни араб тилига таржима қилган. Яқинда «Капитал»нинг иккинчи томи ҳам савдога чиқиб қолади.

⊙ ХАНОЙ. Матбуот хабарига кўра, Жанубий Вьетнам Халқ озодлик қуроли кучлари 28 майда Даклак вилоятида душманнинг 300 га яқин солдат ва офицерини сафдан чиқардилар, икки вертолётини уриб туширдилар, кўп миқдорда қурол-ярог ва ҳарбий анжомларини қўлга киритдилар.

⊙ АММОН. Исроилнинг араблардан босиб олган ерлардаги маҳаллий аҳолига қарши жабр-зулми ва зўравонлиги тўхтовсиз давом этмоқда, Исроил ҳарбий трибунали Ғазо шаҳрида «Ал бурраж» қочқинлар лагеридаги фаластинлик араблардан бирини оккупациячиларга қарши курашишда айблаб, 10 йиллик турма жазосига ҳукм қилганлиги бу ерда маълум бўлди.

13 ИЮНЬ
Сайловлар куни

Уюшқоқлик намунаси

ЖОНАЖОН Ватанимизнинг ҳамма ерида бўлганидек, пойтахт шаҳримиз — Тошкентда ҳам республика Олий Советига ва меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларига ўтказиладиган сайловлар компанияси энг сўнгги, муҳим босқичга қадам қўйди. Бўлиб ўтган округ сайловолди кенгашларида меҳнаткашлар ўзларининг энг яхши ўғил ва қизларини республика Олий Советига, шаҳар ва район Советлари депутатлигига номзод қилиб кўрсатдилар.

Ўзбекистон ССР Олий Советига ва маҳаллий Советларга сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари халқ кўрсатган номзодлар рўйхатини ҳам олиб бўлди. Шаҳримиздан Ўзбекистон ССР Олий Советига халқимизнинг 52 ўғил ва қизлари депутатликка номзод қилиб рўйхатга олинди.

Меҳнаткашларнинг ишончини шараф билан оқлаб, халқ учун фидокорона хизмат қилаётган ўғил ва қизларимиз такрор депутатликка номзод қилиб кўрсатилди. Улар орасида «Ўзбексельмаш» заводининг слесари Андрей Егорович Кочетков, Тошкент медицина институти терапея кафедрасининг доценти Надежда Сергеевна Петрова ва бошқалар бор.

Меҳнаткашлари и н г ана шундай асл фарзандларидан 500 киши Тошкент шаҳар Советига ва 1720 киши район Советларига депутатликка номзод қилиб рўйхатга олинди. Булар орасида ҳам такрор номзоди кўрсатилган кишилар кўпчиликни ташкил этади.

Айни пайтда шаҳримизнинг саноат корхоналари, завод ва фабрикалари ҳамда олий ўқув юртлари, министрликлар, илмий-текшириш муассасаларида бўлиб ўтаётган сайловолди кенгашларида сайловчилар ўз номзодлари билан, номзодлар эса ўз сайловчилари билан учрашаётирлар. Учрашувларда олдинги наказларнинг энг яхши ўғил ва қизларини республика Олий Советига, шаҳар ва район Советлари депутатлигига номзод қилиб кўрсатдилар.

Ҳозир мавжуд 427 та сайлов участкаларида ва агитпунктларда иш қизғин тус олди. Сайлов комиссияларининг ҳам. агитаторларнинг ҳам қўлига тегишли. Сайловчиларнинг сони аниқланиб, улар рўйхати алфавит бўйича деворларга осиб қўйилган бўлса ҳам, бирор киши бу муҳим сиёсий компаниядан четда қолиб кетмаслиги учун такрорий текширишдан ўтказиш давом этмоқда.

Шуни қайд қилиб ўтиш керакки, бу йилги сайлов компанияси ўзининг иссиқ кунларига, яъни кўп кишиларнинг меҳнат отпускаси ёки узоқ муддатга командировкага кетаётган бўлса, участка сайлов комиссиясини хабардор қилишни тушунтирмоқдалар.

Бу борада Куйбишев районида ибратли иш қилинмоқда. Район Совети ижроия комитети ҳар бир участка сайловчиларининг рўйхатини тасдиқлаш пайтида ўтган сайловдаги рўйхат билан бу йилги рўйхатни солиштириб, сайловчилар сонининг кўп ёки камлиги ҳақида участка сайлов комиссиясидан справка олиб, алоҳида сайлов папкасига тикиб қўйган. Чунки, шаҳримизнинг деярлик ҳамма районларида кун сайин катта-катта ўзгаришлар бўлаётир. Биров у массивдан бу массивга кўчиб ўтса, иккинчи биров участка қуриб чиқиб кетаётир. Шу боисдан ҳам, бу участкадаги кечаги сайловчи бугун иккинчи бир сайлов участкаси территориясида яшаяпти.

Бу йилги сайлов кампаниясида қарийб 500 агитпункт, 30 дан ортиқ сайловчилар клуби ташкил этилган. Уларда 22 минг агитатор, сиёсий ташкилотчилар аҳоли ўртасида оммавий-сиёсий ва тушунтириш ишларини қунт билан олиб бораётирлар. Меҳнаткашларга яқинда бўлиб ўтган партиямиз XXIV съезди материаллари, тўққизинчи беш йиллик Директиваларини тушунтиришда кўп сонли агитаторлар, сиёсий ахборотчилар, лекторлар зўр ташкилотчилик ва активлик маҳоратини қўрсатмоқдалар.

Ҳамза районидаги Чкалов номли авиация заводи клуби қошидаги агитпункт, Киров районидаги «Ўзбексельмаш» заводи клуби ҳузуридаги агитпункт, Тошкент олий партия мактабидаги сайловчилар клуби, республика «Билим»лар жамиятидаги агитпункт ва бошқалар сайловчиларнинг сиёсий тушунчаларини ошириш билан бирга, уларнинг чинакам маданий ҳордиқ чиқарадиган марказига айланган. Бу агитпунктларда сайловчилар газета - журналларнинг янги сонларини ўқиши, шахмат-шашка ўйнаши, радио тинглаб, телевизор орқали бериладиган турли эшиттиришлардан баҳраманд бўлишлари мумкин.

Чилонзор, Собир Рахимов ва Фрунзе районларидаги агитпунктлар тўғрисида ҳам худди шундай ижобий фикрларни айта оламиз.

Депутатликка номзодлар кўрсатиш ва рўйхатга олиш тугалланди, улар билан қизғин учрашувлар бўлаяпти. Уидан кейин янги масъулиятли давр — коммунистлар билан партиясизларнинг бузилмас блоки учун овоз беришга тайёргарлик ишлари бошланади. Бундай тайёргарлик КПСС XXIV съезди қарорларини амалга оширишга қаратилган сиёсий ишларни янада активлаштириш белгиси остида ўтиши керак. Бунинг учун шаҳардаги барча саноат корхоналарининг партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари агитация-пропаганда ишларини бундан ҳам кучайтириб, оммани бўлажак сайловларни муносиб меҳнат зафарлари билан кутиб олишга сафарбар этмоқлари зарур.

С. ТУРДИЕВ,
Тошкент шаҳар ижроия комитети ташкилий-инструкторлик бўлимининг инструктори.

Куйбишев районидаги 9-сайлов участкаси агитаторлар коллективи сайловга тайёргарлик бўйича мақтовга арзигулик тадбирларни амалга оширмоқда.
СУРАТДА: сайлов участкаси қошидаги агитпунктнинг бир группа ишчан агитаторларидан (чапдан ўнгга) Холхўжа Акбаров, Тожимурод Турдимуродов, Жиянбой Чиниқулов ва Рамазон Наимов ўртоқлар.
М. Нуриддинов фотоси.

* *Сайловдан—сайловгача*

Ҳизмат кўрсатиш яхшиланмоқда

Партия ва ҳукуматимизнинг аҳолига маданий-маиший ва савдо хизмати кўрсатишни янада яхшилаш ҳақидаги қарорларини амалга ошира бориб, 1966 йили Тошкент шаҳрининг ҳамма районларида ошхоналар трести ташкил этилган эди.

Районларда янги трестларнинг ташкил топганлиги, албатта, ижобий натижаларни берди. Жумладан, буни Киров район ошхоналар трести мисолида ҳам кўриш мумкин.

Энг аввало хўрандаларнинг овқатланиш учун навбат кутиб туришлари каби ҳолга чек қўйиш керак эди. Бунинг учун эса райондаги мавжуд ошхоналар талабга жавоб бермасди. Завод ва фабрикаларда 1966 йилда ҳаммаси бўлиб 6 минг ўринли жой бўлган бўлса, 1971 йилга келиб, улар сони 8,5 минг ўринга етказилди. Шу давр ичида ялпи маҳсулот реализация қилиш 4951 минг сўмдан 7800 минг сўмга етди. Яъни, трест бўйича ишлаб чиқариш унумдорлиги 54,9 процентга ошди. Сайловдан-сайловгача малакали ошпазлар сони 800 кишидан 1280 кишига ўсди.

Тўрт йил ичида районда 16 та ошхона, 12 та кафе, 2 та чойхона, 6 та буфет қурилиб ишга туширилди. Бу янги ошхоналарда бир йўла 3 минг хўранда овқатланиш имкониятига эга. Ҳозир биргина Энгельс кўчасида 4 ошхона хўрандалар хизматида. Пушкин кўчасида қурилган янги замонавий ошхона ҳам беш йўла 300 хўрандага хизмат қила олади. «Марказ-4» даги «Гўзал» ва «Марказ-5» даги «Ширин» кафеларининг иши ҳам анча яхшн йўлга қўйилган.

«Ширин» кафеси ўзининг кенглиги, ёруғлиги билан собиқ кафе, ошхоналардан бутунлай фарқ қилади. Кафеда 3 та зал бўлиб, у турли маросимлар ўтказишга мўлжалланган. Унда умумий овқатланиш зали, тўйлар ўтказиш, банкет заллари мавжуд.

— Кафе очилганига ҳали бир йил бўлгани йўқ. Лекин шу қисқа вақт ичида бу ерда 7 та бахт тўйлари, 20 га яқин турли хил тантанали маросимлар ўтказилди,— дейди кафе директори А. Усмонов.

Ўтган даво ичида 5, 9, 12, 63, 43, 80, 70, 88, 117, 150 каби қатор мактабларда ошхоналар ишга туширилди. Қатор заводфабрикаларда янги ошхоналар қурилди ва қурилаяпти. Институт ва техникумдаги янги ошхоналар ёшлар хизматида.

Трест маъмурияти янги-янги савдо тармоқларини қуриш, кенгайтириш билан бир қаторда, ошпазларнинг, сиёсий-ғоявий ва илмий савияларини оширишга ҳам катта эътибор бермоқда. 39 киши кечки ўрта мактабларда, 20 киши кечки техникумларда, 30 киши олий ўқув юртларида ўз билимларини оширмоқдалар.

1966 йилда кўпчилик ошхоналарда кўмир ва ўтин ишлатилган бўлса, бугунги кунда ҳамма ошхона, чойхоналар электрлаштирилган ва газлаштирилган.

Шу кунларда трест ишчи ва хизматчилари Партия XXIV съезди ва шаҳар партия ташкилоти активи йиғилишида ишлаб чиқилган, аҳолига хизмат кўрсатишни янада яхшилаш чораларини амалга ошириш учун курашмоқдалар.

Сайлов кунларида эса, 20 та сайлов участкасида сайловчиларга намунали савдо хизмати кўрсатиш учун ҳозир қизғин тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

С. СУЛТОНОВ.

ЎзТАГ мухбирлари хабар беради

ИНГИЧКА ТОЛАЛИ ПАХТА ЎЛКАСИДА

Сурхондарё водийси қўриқ ерларида пахта етиштираётган етти совхоз ёнига ўн учта совхоз қўшилди. «Средазгипроводхлопок» институтида ҳозир тузиб битказилган лойиҳада шу совхозларни ташкил этиш кўзда тутилган. Лойиҳага мувофиқ, Шеробод даштидан ташқари Сурхондарё сўл соҳилида қовжираб ётган ерларни кам ўзлаштириш мўлжалланган. Шу тариқа ингичка толали пахта ўлкасининг чегараси анча кенгайтирилади.

Бу ерда, Ўзбекистон жанубида қўриқ ерларга кенг жабҳа бўйлаб ҳужум қилиш имконини берадиган асосий гидротехника иншоотлари қуриб бўлинди. Ўрта Осиёдаги энг катта насос станцияси бутун бир дарё сувини пўлат қувурлар орқали баландликка чиқариб беради. Сурхондарё сувлари йиғиб олинадиган сунъий денгизга саккиз юз миллион куб метр сув сиғади. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, ана шуларнинг ҳаммаси водийдаги янги суғариладиган ерлар майдонини 181 минг гектарга етказиш имконини беради.

Тўғри, ҳали Амударёдан қўшимча миқдордаги сувни далаларга чиқариб бериш учун яна бир неча насос станцияси қуриш керак бўлади. Лекин бу иншоотлар ҳозир ишлаб турган станцияга нисбатан унчалик катта бўлмайди.

Лойиҳачилар водий территориясини ташкил этишнинг янги схемасини ишлаб чиқишди. Ҳар бир совхоз ихтиёрига бешолти минг гектар суғориладиган ер берилади. Бу — пахтачилик хўжалигининг энг мақбул ҳажми бўлишини тажриба кўрсатди. Бундай хўжаликни идора қилиш осон ва самарали бўлади. Шу сабабли ҳозирги мавжуд совхозларнинг ерлари бирмунча камайтирилади.

Учта янги боғдорчилик совхозининг чегаралари ҳам белгилаб қўйилди, уларнинг бири субтропик экинлар ўстириш билан шуғулланади. Шу районнинг ўзида академик Р. Шредер номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг экспериментал базаси ҳам жойлаштирилади.

Сурхон — Шеробод водийсидаги суғориладиган ерларни партия съезди Директиваларида белгиланганидек кўпайтириш, келгусида янги ерларда 200 минг тоннадан кўпроқ пахта, ўн минглаб тонна мева ва узум етиштириш имконини беради.

ЭРТАГИ САБЗАВОТДАН МЎЛ ҲОСИЛ

Қалининн районидаги ихтисослаштирилган «Партия XXI съезди» совхозида эртаги сабзавотдан яхши ҳосил етиштирилди. Сабзаворкорлар ҳозиргача давлатга 400 тонна маҳсулот топширдилар.

Бу хўжаликда сабзавот экиладиган майдонлар доимо кенгайтирилмоқда. Деҳқончилик маданияти оширилмоқда. Хўжаликда эртаги сабзавотнинг кўп қисми полиэтилен пленка остида етиштирилди. Илгари бундай пайкалларда помидор ва бодринг ўстирилар эди, ҳозир картошка, карам, бошқа экинлар ҳам баҳор изғирини ва шамолидан полиэтилен пленка билан ҳимоя қилинмоқда. Масалан, ҳозир болғар қалампири биринчи марта эрта муддатларда пишиб етишди.

Ҳамма экинлардан мўл ҳосил олинаётгани ҳам шу хўжалик деҳқонларининг муваффақиятидан дарак беради. Раззоқ Эгамбердиев бригадаси айниқса яхши натижаларга эришди. Бу ерда саримсоқ пиёздан гектар бошига 20 тоннадан ҳосил олинди. Кўп бригадаларда эртаги сабзи яхши ҳосил берди. Сабзавот-полиз экинлари ва картошка илмий-тадқиқот институти мутахассисларининг тавсияси билан совхозда экинларнинг совуққа чидамли навлари кузда экилиб, кўкламда яхши ҳосил йиғиштириб олинмоқда.

Янги беш йилликнинг биринчи йилида совхоз меҳнатчилари давлатга бултургидан анча кўп — 5.200 тонна сабзавот ва картошка топширишни мўлжалламоқдалар.

ҚАЛБГА ЙЎЛ ТОПИБ

Беш йиллик илғорлари

Жалил Шамсутдинов тўқимачилик комбинати 3-йигирув фабрикасининг савош цехида кўпдан буён ишлайди. Унинг ташкилотчилик қобилияти, ишчилар қалбига йўл топа билиши Жалил акага шуҳрат олиб келди. Бир мунча вақтдан сўнг мастер ёрдамчиси бўлиб ишлай бошлади. Партгруппанинг актив аъзоларидан бири бўлиб қолди. Жонкуяр ва изланувчан Жалил Шамсутдинов ўз билимини ошириш устида тинмай ишлади. Ўрта техника маълумоти олгач, савош цехининг мастер бўлди.

Дастлабки кунларда Жалил акага анча қийин бўлди. Бир ишчи ишга кечикиб келса, бири бўшаш тўғрисида ариза кўтариб келарди. Яна бири сўроқсиз прогул қиларди. Айниқса ёш ишчилар билан ишлаш осон эмас. Шунда мастер коллективга суянди. А. Зеленов, М. Миртолипов ва бошқалар унинг яқин ёрдамчилари бўлдилар.

Ёшлар Жалил акани ўзларининг яқин маслаҳатчилари, деб биладилар. Пахта сараловчи қизлардан Анна Мудрик, Гавҳар Гузаирова, пишитувчилардан Валентина Гачегова, Нина Буняева ва бошқалар коллектив ҳурматига сазовор бўлган меҳнатсеварлардир.

Жалил ака тажрибали коммунист сифатида ҳам катта иш олиб боради. Бир неча йиллардан бери титиш-саралаш цехининг биринчи смена коллективи партия группасига раҳбарлик қилмоқда.

Қайси мастер ёки ишчи меҳнат унумдорлигини ошириш йўллари устида бош қотирмаган дейсиз? Смена коллективи ойлик планни 108—110 процент бажармоқда. Аммо, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифати баъзан паст бўлади. Жалил ака ўз ёрдамчилари билан машиналар унумдорлигини ошириш устида фикр юритади. Цех рационализаторлари бу соҳада бир мунча муваффақиятларга эришдилар. Агрегатларда пахта титувчи панжаралар реконструкция қилинди. Илгарилари горизонтал титиш цилиндрига пахта ўралиб қолар эди. Рационализатор Миргиёс Миртолипованинг таклифи билан цилиндрга чўм қистирма қўйилди ва пахта ўралиши батамом йўқотилди.

Смена аъзолари шу кунларда партия XXIV съезди қарорларини амалга ошириш, беш йиллик топшириқни муддатидан илгари бажариш учун бошланган мусобақада намуна бўлишяпти. Бунда мастер Ж. Шамсутдиновнинг хизмати каттадир.

З. УМИРОВА.

ГАЗЕТХОНЛАР ХАТЛАРИГА ЖАВОБ

Обуна бўлиш мумкинми?

«Ўзбек совет энциклопедияси»нинг биринчи томи нашрдан чиққанини эшитиб беҳад қувондик. Ҳурматли редакция! Энциклопедияни қайси китоб магазинларидан сотиб олиш ёки обуна бўлиш ҳақида маълумот беришингизни сўраймиз.
Л. АБДУЛЛАЕВА, Оҳангарон шаҳри.

РЕДАКЦИЯДАН: Хат юзасидан редакция Ўзбекистон китоб савдоси бошқармасининг бошлиги Б. Гуломовага телефон орқали мурожаат қилиб, қуйидагиларни аниқлади:

— «Ўзбек совет энциклопедияси»нинг биринчи томи 50 минг нусхада нашр этиляпти, шу кунларда унинг дастлабки нусхалари тайёрланди. Биз энциклопедиянинг нашрларини кенг китобхонлар оммасига етказиб бериш учун ҳамма тадбирларни кўряпмиз. Республикамизнинг ҳамма область ва шаҳарларидаги катта китоб магазинларида энциклопедияга обуна қабул қилиш пунктлари ташкил этилган.

Тошкент шаҳридаги кўпгина йирик китоб магазинларида, жумладан Навоий кўчасидаги «Китоблар пассажи»да ва 1-китоб магазинида энциклопедияга обуна қабул қилиш қизғин давом этяпти.

ҚАЙСИ ДОРИ ФОЙДАЛИ?

Оёқ ёки қўл кўкиб қолганда, қайси доридан фойдаланиш керак?
Р. АЛИЕВА, Сергели район.

РЕДАКЦИЯДАН: Бу хатга Оҳунбобоев номли ўрта медицина билим юртининг фармакология ўқитувчиси, доришунос Ҳ. Ибодов шундай жавоб берди:

— Организмдаги қуйган жойни даволашда усинат натрий дорисн жуда фойдалидир. Бу дори янги препарат бўлиб, таркибида 0.5 процент усинат натрий, 2 процентли анестезинлар бор. Булар ўсимлик ёғида эритилган.

Усинат натрий иккинчи ва учинчи даражали куйган терига сурилади. Битиши қийин яраларни ҳам бу дори тезда тузатади.

Мазкур дорини ҳамма дорихоналардан топиш мумкин.

ҚУРИЛИШ СИФАТИ—АСОСИЙ МАСАЛА

Ўтган беш йилликда «Жилстрой» трести 50 миллион сўмликдан ортиқ қурилиш-монтаж ишларини бажарди. Бу давр мобайнида 238.1 минг квадрат метр турар-жой, 2104 ўқувчига мўлжалланган мактаб, 840 ўринли болалар боғчаси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Трест коллективи олдида янги беш йилликда ҳам улкан вазифалар турибди.

Бу ҳақда тўққизинчи беш йиллик плани юзасидан КПСС XXIV съездининг Директиваларида шундай дейилади: **«Сарфланадиган капитал маблағларнинг самарадорлиги анча оширилсин, сарфланадиган маблағларнинг ҳар бир сўми ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқаришни энг кўп миқдорда кўпайтирмоқ учун қурилишга ажратиб берилаётган моддий ва молиявий ресурслардан ғоят рационал равишда фойдаланиш таъминлансин».**

Қурилиш сифатини объектларда яхшилаш юзасидан анча ишлар амалга оширилиши натижасида трест бўлимларида қурилиш нормаларига қатъий риоя қилинадиган, қурилиш-монтаж ишлари қондаларига эътибор бериладиган бўлиб қолди. Бу эса объектларда фойдаланишга топширилган бинолар давлат комиссияси томонидан юқори баҳоларда қабул қилинишига олиб келди. 2-Қорақамиш массивидаги 1104 ўқувчига мўлжалланган мактаб «аъло» баҳода қабул қилинди. Трест қурилиш ишларини юқори сифатда олиб борганлиги учун Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қурилиш бўйича Давлат комитети томонидан биринчи даражали диплом ҳамда пул мукофотини олишга эришди. Қорақамиш массивининг биринчи навбатини сифатли қургани учун трестга иккинчи даражали диплом берилди. Шунингдек, 280 ўринли болалар боғчаси, 6 минг аҳолига мўлжалланган 1-Қорақамиш массивидаги жамоат савдо маркази ва кўпгина бошқа объектлар ҳам юқори баҳоларда қабул қилинди.

Шу билан бирга кўпгина қурилаётган объектларда лойиҳадан четлаш, қурилиш нормақондаларини бузиш ҳоллари ҳам рўй бермоқда. Бу эса қурилиш сифатини пасайтириб, уларнинг чидамлилигига путур етказмоқда.

Қурилишда лойиҳада кўрсатилмаган йиғма темир-бетон, бетон-каркаслардан фойдаланиш, арматурани ҳамда чокларни сифатсиз пайвандлаш туфайли шундай камчиликлар рўй бермоқда. Металл бинолларда занглашга қарши тадбирлар амалга оширилмайди, пойдеворлар лойиҳада кўрсатилганидек бўлмайди, бетон элементларидан тўғри фойдаланилмайди. Балка, ригель, зинапоя, плиталар бир-бирига яхши мустаҳкамланмаганлиги, тўсиқлар сифатсиз бўлганлиги, терилган ғиштларнинг қониқарсизлиги сингари ҳоллар рўй бермоқда.

Капитал қурилиш сифатини яхшилашда биринчи навбатда қурилиш объектларини конструкция, мосламалар ва бошқа материаллар билан таъминлаш, уларнинг лойиҳа ва техника талабларига мос келишига эътибор бериш керак.

Қурилиш технологиясига эътибор бермаслик, қурилишга ностандарт ва сифатсиз материалларни келтириш, қурилиш сифатининг пасайиб кетишига сабаб бўлади. Бундан ташқари бундай материаллар қўшимча меҳнат, маблағ ҳамда ортиқча сарфни талаб этади. Бу материалларни жойларда йиғиш ишчиларнинг кўпчилик иш вақтини беҳуда ўтказишга олиб келади.

Шуни таъкидлаш лозимки, анча тадбирлар қўлланилаётганига қарамай, трестга қарашли 3-йирик панелли деталлар заводи тайёрлаётган маҳсулотларда жиддий камчиликлар бор. Қурилиш майдонларига юборилаётган панелларнинг сифати паст, кўринишн ҳунук.

«Главташкентстрой» саноат корхоналари бошқармасининг ёғочни қайта ишлаш заводлари томонидан тайёрланган ёғоч буюмлар кўпчилик ҳолларда яхши қуритилмаган бўлади. Темир-бетон буюмлари заводларида тайёрланган йиғма-темир бетон конструкцияларининг ҳам сифати паст. Темир-бетон буюмлари кўпчилик ҳолларда ГОСТ ва лойиҳа талабларига мутлақо тўғри келмайди. Қурилиш материаллари саноати министрлигининг Тошкентдаги заводларида сифатсиз ғишт тайёрланмоқда. Кўпчилик ҳолларда ғиштлар ўзининг формасига биноан ГОСТ талабларига мутлақо жавоб бермайди. Қурилишга паст маркадаги ғиштлар берилмоқда.

Брақка йўл қўймаслик ҳамда қурилишни сифатли маҳсулот билан таъминлаш мақсадида трест қошида техника назорати хизмати ташкил қилинган. Унга трестнинг марказий лабораторияси бошлиги раҳбарлик қилади. Бу хизмат ихтиёрига ишлаб чиқариш, лаборатория ва геодезия назорати группалари жалб этилган. Группа бошлиқлари тажрибали қурувчилар ҳамда малакали инженерлардан иборат.

Трест илмий-техника назорати бошқармаси составида қурилиш нормалари ва қоидаларини назорат қилувчи техникавий инспекция ташкил этилган. Шуни таъкидлаш лозимки, ҳозирча техника инспекцияси иши мутахассисларга юкланган. Улар асосий ишлари бошқа бўлганлиги учун ўз вақтида қурилиш майдонларини назорат қилолмайдилар. Аслида техника инспекцияси фаолияти брақка йўл қўйилганлиги тўғрисида ахборот тўплашдан нарига ўтмаяпти. Ҳозиргача қурилишда бажарилган баъзи қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш амалга оширилди.

Буюртмачилар томонидан қурилиш сифатининг техникавий назорати яхши уюштирилмаган. Афсуски, техника назорати қурилиш сифати учун курашда ўз имкониятларидан тўла фойдаланмаяпти.

Қурилиш сифати юзасидан лаборатория контроли ҳам етарли эмас. Трестнинг марказий лабораторияси ҳозирча қурилиш материалларини назорат қилиш билан чегараланиб қолмоқда. Ҳолбуки, лабораториялар ҳақида низомда ишлаб чиқаришни бевосита контроль қилиш кўрсатилган.

Қурилиш сифатини яхшилаш, қурилаётган уйларнинг пишиқ ва яхши бўлиши учун қурилиш ишларини бошдан охиригача назорат қилиб бориш керак. Трест коллективи буни яхши ҳис қилган ҳолда бошқармалар ва участкаларда қурилаётган иморатларнинг сифати яхши бўлиши учун ҳаракат қилмоқда.

А. РАБИНОВИЧ,
«Жилстрой» трести техника бўлимининг бошлиги.

Ўқув йили тугади

Коммунистлар, комсомоллар ва партиясизлар активининг марксча-ленинча маориф системасидаги ўқув йили тугамоқда. Биринчи июнда Ўзбекистон шаҳар ва қишлоқларининг партия ташкилотларида якунловчи машғулотлар бошланди. Бу машғулотлар ўрганилган материалларни мустаҳкамлашга бағишланади. Пропагандистлар тингловчиларнинг партиямиз XXIV съезди материаллари ва қарорларини қай тарзда ўзлаштириб олганликларига катта эътибор бермоқдалар. Бу материаллар бир ярим ой мобайнида бутун партия маорифи системасида ўрганилган эди. Сиёсий маориф уйлари ва хоналарида пропагандистлар ва тингловчиларга ёрдам тариқасида консультация ва обзор лекциялар ўтказилмоқда.

(ЎзТАГ).

Ленин районига қарашли Аркадий Гайдар ном. ли болалар кутубхонаси коллективи ўқувчилар. нинг имтиҳон кунлари ҳамда ёзги дам олиш лайтларида тарбия бўйича амалга ошириладиган бир қатор тадбирларни белгилаб чиқди.
СУРАТДА: кутубхоначи Любовь Борисенко 93, 94 ва 151-мактабларнинг ўқувчилари билан тар. бия соатида.

ЧИНОР

ҲИКОЯ

Шохларини атрофга ёйиб, остидаги жажжигина чойхона биносини ўраб олган бақайват чинорга йўлдан тўхтаб тикилиб қолдим.

— Зап чинор эканми, ўзиям бир қасрдек келади-я!

Азим чинорнинг шохлари ергача оғиб тушган, боши эса оппоқ булутлар бағрига илашиб кетгандек. Уни қучоққа сиғдирмоқ учун ўн киши чинор атрофида давра қуриб қўл ушлашса керак. Шунда зўрға қучоққа сиғса эҳтимол...

Чинор остига бордим. Шунда унинг бир ёқ биқини сомонли лой билан суваб қўйилганига кўзим тушди. Лекин унчалик эътибор берганим йўқ... Ахир барқ уриб, қўққа ўралаб ётганини кўринг!

— Кўз тегмасин, азамат бу! —деб қўйди оппоқ соқоллари кўксини қоплаб ётган бир чинороний мўйсафид чой ҳўплар экан.

— Кўз тегмайди бунга. Асрлардан омон ўтиб келаётганидир-ку ахир!? — дедим қарияга...

— Асрлардан-ку ўтиб келяпти-я, лекин...— деди чол пиёлани патнисннинг бир четига оҳиста қўйиб, мен томонга аста қадам ташлар экан.

У мени бошдан-оёқ кузатиб чиқди-да, жимгина чинор қошига борди. Чинорни майда қадам билан бир айланиб чиқди. Узи билан ўзи гаплашаётгандай майин, аммо безовта оҳангда сўзлай кетди.

— Мен шу маҳалланинг боласиман. Бола эканимда ҳам бу чинор худди шундок эди. Мана бу чойхона ўрнида қўрғонимиз бўларди. Дарвозадан кираверишда бувам раҳматликнинг қандолатлик дўконлари бор эди. Харидорлар сийрак бўлгани учун у киши мени тизаларига олиб, чўпчак айтиб ўтирар эдилар. У киши доим боболарини эслаб: «Отда келаолмадилар бобом, шу чинорнинг чўпига отнинг юганини илиб даовозадан кирардилар. Мен ўшанда сенга ўхшаган ниҳолгина эдим. Бобо, деб уларга талпинардим. Шунда белбоғлари қатидан писта бодом, перварда, қурут чиқариб берардилар. Ўшанда бувам шу чинорни «беш аср юзини кўрган», дердилар. У киши менинг бувамга: «Мен болалигимда ҳам шу турган эди» дер эканлар. Менинг бувам ҳам менга: «Шу-шу турибди эди!» дердилар. Мен ҳам туғилибманки, шу-шу турибди!

— Қаримайди, умри узоқ бўлгур! Лекин бошига узоқ йилни бир бало тоши ёғилди!— деб қўйди бобо дарахтнинг сомон суюқ қилинган томонини қўллари билан шаппатилаб.

Қариянинг ўксинини ўринсиз эмас экан. Чой ичиб, чинорга меҳр билан тикилиб ўтирганимда у ёнимга келди. Ҳурматига ўрнимдан туриб, жой кўрсатдим. Бир пиёла чой тутдим. Чол чойни хотиржам ичиб ўтирар, менинг эса юрагим тошиб кетай дер эди. Чолни гапга тутдим:

— Отахон, чинор бошига бало тоши ёғилди, дединғизми?

Қария бошн билан тасдиқ қилди-да:

— Узингизни бу ёқларга қайси шамол учирди?— деб сўраб қолди.

— Шундоқ айланиб. Тошкентдан келяпман. Маҳаллачигизда яшовчи дўстимнинг бетоброқ эканини бир ошнамдан эшитиб қолувдим!— дедим.

— Баракалло, Авф этасиз-э, мулла, мен Самаркандда сиздақа янгича одамни кўриб қолгудек бўлсам ,шу чинорга кўз тегиб қолмасмикан деб чўчиверамаи!— деди бобо соқолини панжалари орасига олиб тинмсизи тарашлар экан. У жуда безовта эди.

— Хўш, хўш.. нега, бобо?— деб сўрадим ажабланиб.

— Кечагидек ёдимда,— деб гап бошлади бобо.

Ҳикояси узун экан. Неча чойнак чой ичиб, алламаҳалгача чинор тагида қолиб кетдим...

Бобонинг ҳикояси давом этди: дам олиш куни экан. Бобо одатдагидек чойхонада кўк чой кайфини суриб ўтирса, уч навқирон йигит кириб келибди. Чинорнинг у ёнига ўтиб уч оёқли дурбин кўз асбоби билан кузатибди, бу ёнига ўтиб кузатибди.

Бобо:

— Чой ичинглар!?— деса,

Улар:

— Раҳмат, ота, ҳозир чойнинг фурсати эмас,— деб чинор остида узоқ уймаланишибди. Узи ёш бўлса ҳам, соқолмўйлабини текис қўйиб юборган битта новчаси харитага ўхшаган қоғозга қизил қалам билан аллақандай белгилар қўйибди. Отага хайр-маъзурини ҳам насия қилиб кетиб қолишибди. Орадан кунлар ўтган, битта юк машинаси келиб чойхонанинг нақ рўпарасида тўхтабди. Машинадан ўн чоғлик иш кишими кийган ёшлар тушибди. Ота уларга чой бериб, Уларнинг эса гурунги қизиб улгурмаган ҳам эканки, кўтарма кран машина пайдо бўлибди. Бир пасда ғала-ғовур тутиб кетибди. Машинадан цемент қорадиган яшиклару белкурак, лому зчки шох тешалар туширилибди. Бир дамда чойхона саҳни бозордай бетартиб бўлибди-қўйибди.

Бобо бўлса:

— Ҳой, болаларим, катталарингиз ким? Нима қилмоқчисизлар?— деб сўрармиш.

Улар бўлса:

— Уни ҳозир қулатамиз Ўзингга кинотеатр биноси тушади бобо. Бу бизнинг диплом ишимиз бўлади! —дейишармиш бепарволик билан.

Ота ҳазил деб ўйлаб ,аввалига: «қуйилмаган тойчоқлар-эй!» деб нари кетибди...

Бир маҳал қараса чинорнинг бир ёнини йўниб, нақ белидан сим-арқон боғлашиб, кўтарма кран тумшуғини унга тириб қўйишибди. Ҳаммалари ҳар томондан: «ҳа, бўл, ҳа-ҳа бўл!» деб сайлларда курашни тамоша қилаётган одамлардек нохотиржам, қўлларини биқинларига тираб туришганмиш.

— Ҳай, болаларим? Ростдан чинорни йиқмоқчимисанлар?!— деб ховликиб қайта сўрабди қария.

— И е, бўлмасам-чи, пашша қўнгани келганимиз йўқ, ота-хон,— дебди ўша соқол-мўйлаблиси.

— Киноингни сал нари қурсанг бўлмайдими, ер кўп-ку, болам?— дебди чолнинг ўпкаси ўзилиб чинорга тикилганча.

— Йўқ нари-бери суриб бўлмайди. Проектда шундоқ кўрсатилган!— дебди ўша йигит бепарволик билан.

Чолнинг юрагига ғулғула тушиб қолибди. Ковушини қайга чечганини ҳам унутиб, маҳалла комиссиясининг уйига ялангоёқ халлослаб етиб борибди. Аксига ҳеч ким йўқ экан. Югуриб чинор тагига келибди. Йўқ, хайтовур ҳали чинор-ни машина қулата билмабди. Чол бояги йигитнинг ёнига бориб:

— Хой, болагинам, умрингдан барака топгур, бир пас чой-пой ичиб туринглар. Бўлар-бўлмасга шундоқ чинорни қулатиб кетаверасизларми, болангдан айланай? Бу ахир асрлар ёдгорлиги, гуноҳ бўлар,— дебди қуйиниб.

Уша йигит эса: «чолнинг мияси айниб қолганми», деган маънода бир бўзрайиб олибди. Кейин зарда билан:

— Тошингизни теринг, ота!— деб жеркиб берибди.

— Бобонг тенги одамга бақирасанми?—деб чолнинг кўнгли ўксибди. «Хап саким, шошмай тур, ғўр бола!» деб югуриб бориб эски мачитнинг гумбазига чиқибди. Уша ердан овозини баралла қўйибди:

— Халойиқ, чинор бошига бало тоши ёғилди. Тезроқ келинглар, чинордан айрилиб қоламиз!— деб бақираверибди.

Ҳа деганда одам йиғилаверманти. Овозимнинг кучи етмаяпти шекилли деб кампирнинг кир ювиб ўтирган жомини дарров олиб чиқибди-ю, косов билан савалай берибди.

«Карим бобо ақлдан озибди шекилли», дейишиб, бутун маҳалла чойхона томонга келаверибди. Қурувчилар ҳам ишни тўхтатиб, чолнинг томошасига анқайиб қолишибди. Бир пасда тумонат одам йиғилибди. Маҳалла комиссияси ҳам кўриниб, чолнинг хира кўзлари ярқлаб кетибди.

— Йигит бўлиб кетибман-э, ёпирай!— деб кулиб қўйди чол ҳикояси ўртасида.

Лекин қурувчилар ҳам осонликча жон беришмабди. Адибади аввига чиқибди. Иш нормасини баҳона қилиб, чинорни қулатишга хибис қилишавершибди. Халойиқ бунга йўл бермабди. Қарашса, жанжал чиқадиган. Охири халойиқ ўша ўн чоғлик қурувчини чойхонанинг тўрдаги хонасига камаб қўйишибди. Маҳалла йиғилиши ўз-ўзидан бошланиб кетибди. Чоғлардан вакил сайлашибди. Қурувчиларнинг йўл бўйида турган машинасида шаҳар ижроия комитетига вакиллар кетибди.

— Кун пешиндан оққанда лўққавойларда катталар келиб қолишди-ку!— деб давом этди чол чиройи очилиб кетиб.

Хурпайган бароқ қошлари ёйилиб, қисилиб кетган кўзлари қайта очилгандек бўлди. Совиб қолган чойини ҳўплаб, бир хўрсиниб олгандан кейин.

— Юринг, мулла. Бу ёққа?!— деб мени чинор тагига бошлади:— Қутқариб қолдигу, аммолекин чинорни майиб қилиб кетишди. Лат еган мана бу томонини сомон суюқ қилиб қўйдик. Чинор олти ой ёз саоғайиб турди. Баргини ташламади, хайтовур. Ё уни касал енгади, ё у касални енгади деб тагида ҳақ деб пойлаб ўтиравердим. Йўқ, халқ меҳри дору бўлдими, ҳар қалай бу йил баҳорда қайта кўм-кўк яшнади.

Уша-ўша бўлди-ю, чинорга ҳеч ким теккани йўқ. Бир англашилмовчилик бўлган экан. Катталар шундоқ дейишди. Анави бино кинохона,— чол қўлларини бигиз қилиб чинор қаршисида яркираб турган оқ навон, ёруғ бинони кўрсатди; — унга ҳам, маҳаллага ҳам чинор номини беришди. Энди Самаркандда кимки «Чинор маҳалла» деса шу ерни тушунишади. Аммо, болам, кўнглим зада бўлиб қолганми, маҳаллада янги одам пайдо бўлса чўчийверaман. Яна канча умрим бор, билмайман, аммо чинорни кўриклаб ўтганим ўтирган. Янаги йилга набирам ўқишни туғаллаб қайтади. Шу ерга уйлик-жойлик қилиб, чинорни икки қўллаб унга топшираман. Дарахтни севади бола, тушунгур. Чинорга шамол ҳам тегмасин дейман. Биз-биримизга каттик суяниб қолганмиз,— деди чол. Унинг хира кўзларида ёш йилтиллади. Яктагининг оппоқ енглари билан кўзининг намларини сидирар экан:

— Болам, обрўли одамга ўхшайсиз. Тайинлаб қўйинг. Яна бир номаъқулчилик билан кесиб-нетиб юришмасин. Ахир бу ўзбакнинг умри. тарихи-ку,— деди у менга тайинлаб.

Мен чинор атрофидан яна бир айландим. Қомат кериб, ҳар шохида асрлар ҳикмати ўсиб-униб ётган чинор ҳайратимни тошириб юборди. «Умринг узоқ бўлсин, чинор бобо!» деб пичирладим ўзимга ўзим, сўнгра чолга қараб, қўл чўздим.

— Кўришгунча хайр, бардам бўлинг, отахон!

САЙЁР.

Йўл = йўлакай

Одатга айланиб қолибди

Бундан бир неча ҳафта илгари Свердлов номидаги концерт залига кириб, таъбим хира бўлиб чиққан эди. Бу ерга томоша кўриш учун келиб, дам олишнинг ўрнига чарчаган, қаланғи-қасанғи безорисифат йигитларнинг қичқиришидан қулоғим битган эди. Бир сафар шундай бўлиб қолган шекилли, деган фикрга бориб, индамай қўя қолган эдик.

Яқинда концерт залига яна тушдик. Шанба куни бу ерда ёш ижрочилар конерти бор экан.

Артистлардан бири иккита қўшиқ айтди. Конферансье навбатдаги хонандага гал берган эди, залдаги қарсаквозлик авж олиб кетди. Кимдир ҳуштак чалди, кимдир полни тепди, яна кимдир қийқириб кулди.

Саҳнага бир гуруҳ қизлар чиқиб, ўйнай бошлади. Аммо бояги шовқин тўхташ ўрнига баттар кучайиб кетди. Рақс тугагунча ўйинни ким ижро этганини, қандай рақс ижро этилганини ҳеч ким билмайди.

Конферансье навбатдаги артистларга гал бераётган эди, шовқин янада кучайди. Ниҳоят у танаффус эълон қилиб қутулди.

Йўлакка чиқиб, бироз дам олгандек бўлдик. Аммо қулоғим ҳамон шанғиллар, ҳуштак товуши миямни тешиб юбораётганга ўхшарди. Танаффусдан кейин конферансье чиқиб қўшиқ эълон қилиши билан яна ўша ғалва бошланди. Шовқин-сурон тинавермаганидан кейин театр маъмуриятининг вакили саҳнада турганича залга таъзим қилиб алланималар деди. Аммо унинг гапини ҳеч ким эшитмади.

— Иўқол!— деди аллаким сўкиниб.

Шовқин янада кучайиб кетди.

Кўп ўтмай концерт тугади. Программага номи киритилган хонанда ва созандаларнинг ярмидан кўпи саҳнага чиқмай қўя қолди.

Свердлов номидаги концерт залида бундай майнавозчилик одат тусига кириб қолган экан.

Пойтахтимизда санъат мухлислари кўп. Театр ва томоша залларн ҳам озмунча эмас. Лекин бирон ерда бу залдагичалик, кишининг газабини қўзғатадиган аҳволни кўрмаган эдим. Наҳотки концерт залининг маъмурияти томоша пайтида тартиб ўрнатиш чорасини эплай олмаса. Наҳотки дружиначилар, у ҳам бўлмаса милиция вакиллари ёрдамида шу ишни амалга ошириш мумкин эмас. Қолаверса нима учун ароқ ичиб олган безорилар залга киритилади. Ахир бу ерга одамлар эстетик завқ олиш, маданий ҳордиқ чиқариш учун келишади-ку. Свердлов номидаги концерт залида бундай аҳвол давом этаверса, бу ер томошахона эмас безорихонага айланиб кетиши ҳеч гап эмас.

ЗАМОНИЙ.

Олма-ота шаҳрида қурилган бу тўққиз қаватли бино матбуот уйи бўлиб, унда республиканинг 22 редакцияси жойлашган.

И. Будневич фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

ПЛАНЕТАМИЗ ЯНГИЛИКЛАРИ

УРУШГА ҚАРШИ ФЕСТИВАЛЬ

ЛОНДОН. ТАСС мухбири Н. Туркатенко хабар беради:

АҚШнинг Англиядаги базаларида жойлашган Америка ҳарбий хизматчиларининг аксарияти бу ерга келишдан. Улар АҚШ президенти ва конгресси номига ёзилган норозилик мактубларини имзолаган. Мактубларда АҚШнинг Ҳинди-Хитойдаги агрессияси тўхтатилсин деб талаб қилинади.

Лондоннинг шарқий қисмидаги Виктория паркида Америка ҳарбий хизматчилари ва уларнинг оила аъзолари иштирокида урушга қарши фестиваль ўтказилди. Америка ва инглиз артистлари эстрадада урушга қарши қўшиқларини ижро этдилар. АҚШдаги ва бошқа мамлакатларда вужудга келтирилган базалардаги Америка ҳарбий хизматчиларидан олинган мактублар ўқиб берилди. Бу мактубларни ёзган кишилар АҚШнинг Ҳинди-Хитойдаги агрессиясини тўхтатишни талаб этаётган ва мустаҳкамланиб бораётган ҳаракатни қўллаб-қувватлаётганликларини билдирдилар.

(ТАСС).

МИЛЛИЙ СУВЕРЕНИТЕТ ХАВФ ОСТИДА ҚОЛДИ

ДУБЛИН. Ирландия пойтахтида мамлакатнинг «Умумий бозор»га киришга қарши курашмоқ учун жамоатчиликни сафарбар қилувчи бирлашган комитет тузилди. Ирландия компартияси, социалистик партия, коннолли ёшлар ҳаракати, антиимпериалистик кураш позицияларида турган мамлакатдаги энг кекса Шинн Фейн сиёсий ҳаракати, лейбористлар партиясининг бир қанча маҳаллий ташкилотлари вакиллари комитет составига ўтди.

Ирландиянинг шимолида, Белфастда ҳам шундай комитет тузилди. Бу ерда компартия, турли сиёсий ташкилотлар ва Шинн Фейн ташкилоти вакиллари Ирландиянинг «Умумий бозор»га қўшилишига қарши кенг кампания ўтказмоқдалар.

Бундай комитетларнинг тузилаётганлиги, деб ёзади Ирландия компартиясининг органи «Айриш уоркерс войс» газетаси, Ирландия халқи ҳукуматининг ҳозирги йўлига қарши олиб бораётган курашида янги босқич бошланганлигидан далолат беради. Тобора янги жамоат ташкилотлари ва сиёсий ташкилотлар «Умумий бозор»га қарши ҳаракатга жалб этилмоқда.

«Айриш уоркерс войс» газетаси мамлакатнинг «Умумий бозор»га кириши унинг экономикаси ва миллий суверенитетини хавф остида қолдиради, деб таъкидлайди.

(ТАСС).

ЯЛПИ ТИНЧЛИК МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА

ОТТАВА. Канадаликлар Канада бош министри Пьер Эллиот Трюдонинг Совет Иттифоқига қилган визити якунларини зўр мамнуният билан кутиб олдилар.

Матбуотнинг ишонч билдириб ёзишича, Трюдонинг визити иккала мамлакат халқлари ўртасидаги ҳамжиҳатлик ва ишончни кучайтиришга, Канада билан СССР ўртасидаги дўстона яхши қўшничиликни мустаҳкамлаш ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришга кўп жиҳатдан ёрдам беради.

(ТАСС).



ҒФР. Мюнхен яқинида «магнит ёстиқчаи» устида юрадиган поезднинг прототипи синаб кўрилди. 5200 килограммлик ғилдираксиз бу поезд магнит майдони таъсирида темир йидан бир неча миллиметрга кўтарилди. Товушсиз двигатель эса унн ҳаракатга келтирди. 600 метр масофадаги поезднинг тезлиги соатига 100 километрга етди. Ғарбий германиялик конструкторларнинг фикрича, унинг тезлиги соатига 600 километрга етиши мумкин. Келажакда бундай поездлар Гамбург — Мюнхен ўртасида қатнаши мўлжалланилмоқда.

ДПА—ТАСС фотоси.

МАРКАЗИЙ АФРИКА РЕСПУБЛИКАСИНИНГ АҲОЛИСИ

ЮАНГИ, «Терр Африкэн» газетасининг хабар қилишича, Марказий Африка Республикасининг аҳолиси 2,255 минг кишига етди. Бу давлатда 1.007 минг эркак, 1.148 минг хотинқиз яшаб турибди. Республика пойтахти—Банги шаҳрида 298 минг киши истиқомат қилади.

(ТАСС).

КАТТА ТАЛАФОТ ЕТКАЗИЛДИ

ҲАНОЙ. Озодлик матбуоти агентлиги хабар беради: Жанубий Вьетнамнинг ғарбий районларида ҳаракат қилаётган Халқ озодлик қуролли кучлари апрель ойи давомида душманнинг 12 мингдан ортиқ солдат ва офицерини қириб ташладилар, жароҳатлантирдилар ва асир қилиб олдилар. Улар орасида АҚШ ва унинг малайлари қўшинларининг ҳарбий хизматчиларидан салкам 2 минг киши бор.

Шу вақт ичида озодлик кучлари 105 та вертолетни уриб туширдилар, 700 та ҳарбий машинани, шу жумладан, 150 танк ва бронетранспортер и н я ксон қилдилар, 30 та ҳарбий ва транспорт кемани ғарқ қилдилар ва ёндириб юбордилар, шунингдек, кўп миқдорда қурол-яроғни ўлжа қилиб олдилар.

(ТАСС).

ЛИВАН БОШ МИНИСТРИНИНГ БАЁНОТИ

ҚОҲИРА. Ливан бош министри Саид Салом ҳозир Бирлашган Араб Республикасида меҳмон бўлиб турибди. У МЕН агентлигининг мухбири билан суҳбатда қуйидагиларни айтди: «Бирлашган Араб Республикаси билан СССР ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома Совет Иттифоқининг ўз территориясини озод қилиш учун курашаётган Бирлашган Араб Республикасини қўллаб-қувватлаш сиёсатини яна бир бор исботлади. Арабларга модднй ва сиёсий ёрдам бераётган Совет Иттифоқининг ўзгармас позициясини, ССРР шу позициядан бир қадам ҳам чекинмаганлигини биз юксак баҳолаймиз».

Қўшма Штатлар, деди у, Америка давлат секретари У Рожерснинг араблар дунёсидаги аҳволи ўз жойида кўздан кечириш мақсадида Яқин Шарқ мамлакатларига яқинда қилган сафарининг бирор-бир якунларини шу вақтга қадар расмий равишда хабар қилгани йўқ. Бироқ АҚШнинг Яқин Шарқдаги танглик хусусидаги позициясида ўзгариш бўлишига умид кам бўлганидек, АҚШнинг Исроилга нисбатан муносабатида ҳам ўзгариш бўлишини тасаввур қилиш қийин. Модомики, АҚШ Исроилга ёрдам бериб турган экан, Тель-Авив тутган позицияда ҳам ўзгариш содир бўлмайди, деб таъкидлади у.

(ТАСС).

БОЛГАРИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ.

Видинедаги «Видлон» сунъий тола ишлаб чиқарувчи комбинати Совет Иттифоқи ёрдами билан қурилган.

СУРАТДА: комбинат цехларидан бирида.

Централфото — ТАСС фотоси.

Яна аввалги позицияда!

ВАШИНГТОН, ТАСС мухбири Б. Ярочевский хабар беради. АҚШ мудофаа министри Лэйрд НАТОнинг мудофаани планлаштириш комитети кенгашида қатнашиб, Брюсселдан Вашингтонга қайтиб келди. Бултурги каби бу йил ҳам комитетнинг иши АҚШнинг мана шу агрессив ҳарбий сиёсий блокни мустаҳкамлаш йўлидаги ҳаракатларини янада кучайтириш белгиси остида ўтди. Америка сиёсий обзорчиларининг ёзишига қараганда, Лэйрд Европадаги иттифоқчиларнинг НАТОга қўшаётган ҳиссаларини кўпайтиришга мажбур этмоқ учун мумкин бўлган ҳамма чораларни кўрди. АҚШнинг мудофаа министри совет хавфи бор деган миш-мишларни яна олабўжи қилиб, блокни, аввало унинг Ўрта денгиздаги Жанубий қанотини янада мустаҳкамлашни зўр бериб талаб қилди.

«Вашингтон пост» газетасининг ёзишига қараганда, Лэйрд Европадаги қуролли кучлар ва қурол-яроғларни қисқартириш тўғрисидаги совет таклифлари ҳақида гапириб, «Европадаги иттифоқчиларни зўравонлик позициясида туриб музокаралар олиб боришга қатъий равишда даъват қилди». «Вашингтон ивнинг стар» газетаси Брюсселдаги НАТО комитети нишларининг натижаларини шарҳлаб ,Лэйрд «Иттифоқчиларга жиддий тазйиқ» ўтказганлигига қарамай, улар «Ўрта денгизда ҳарбий кучларни кўпайтириш керак, деб Лэйрд айтган фикрга унчалик қизиқишаётганликларини кўрсатмаётирлар» деб ёзади. Италия, Греция ва Туркиядан, деб ёзади газета, Лэйрд мана шу райондаги ўзларининг ҳарбий денгиз кучлари сонини кўпайтиришни талаб қилди. Аммо, Лэйрднинг айтишига қараганда, АҚШнинг ўзи Ўрта денгиздаги олтинчи флотни янада кучайтиришни ният қилиб турибди.

Газетанинг ҳарбий обзорчиси ва одатда яхши хабардор бўлган Орр Келлининг ёзишига қараганда, АҚШ ҳукумати яқин фурсатда Греция ҳукуматига 85 миллион долларлик янги ҳарбий ёрдам беришга ҳозирланмоқда. Грецияга юбориладиган ҳарбий материаллар рўйхатига товушдан тез учар қирувчи самолётлар, замонавий «М-48» танклар, патруллик кемаларда ва шу кабилар киритилган. Обзорчининг ёзишига қараганда, Брюсселдаги комитет ишнинг натижасида АҚШ НАТОни мустаҳкамлаш чораларини кўриб шундай қарорга келган.

Ҳарбий ҳунта бошчилик қилаётган Грецияга ёрдам бериш тўғрисидаги қарорга, дейилади мақолада, мамлакатда ва конгрессда жиддий қаршилик кўрсатилиши турган гап.

НАТОнинг янги «жанубий стратегияси» деб аталган ва Брюсселдаги учрашувда АҚШ ишлаб чиққан бу стратегия республикачилар ҳукумати ҳарбий блокларни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлашдан иборат хатарли концепцияни бундан буён ҳам давом эттириш ниятида эканлигини кўрсатиб турибди. АҚШнинг мана шу сиёсий ва ҳарбий ҳаракатлари Америка ҳукумати вакилларининг, Европада кескинликни юмшатиш йўлида «Конкрет чоралар кўришга тайёрмиз» деган ваъдаларининг самимийлигини жиддий шубҳе остида қолдирмоқда.

МЕҲНАТ ВА КАПИТАЛ НЬЮ-ЙОРК

Америкадаги энг йирик телеграф компанияларидан бири «Уэстерн юнион телеграф компанияси» телеграфчиларидан йигирма минг киши иш ташлади. Янги коллектив шартнома тузиш тўғрисидаги музокаралар олти ҳафта давом этди. Корхона эгалари телеграфчилар ва алоқа ходимлари касаба союзларининг иш ҳақини ошириш, меҳнат шароити ва пенсия таъминотини яхшилаш тўғрисидаги талабларини қондиришга унамадилар. Шундан кейин меҳнаткашлар стачка курашини давом эттирдилар.

Телеграфчиларнинг забастовкаси Қўшма Штатларда тобора кенг тус олаётган синфий жанглариннг кўринишларидан бири холос. Расмий маълумотларга қараганда, шу йилнинг дастлабки уч ойи мобайнида мамлакатда 1.020 забастовка бўлган, Бу забастовкаларда 450 мингдан ортиқ киши қатнашган. Ҳозирги вақтда автомобилсозлардан ўттиз мингдан ортиқ киши мамлакатдаги 80 завод дарвозалари ёнида пикет ушлатирди. Огайо, Ғарбий Виржиния штатларидаги 18 кўмир шахтасида тўрт ҳафтадан буён иш тўхтаб қолган. Матбуачилар, репортерлар ва муҳаррирларнинг забастовкаси натижасида Нью-Йорк ва Питтсбургда газеталар чиқмаётир.

Матбуотнинг таъкидлаб ёзишича, Америка ишчилари ва хизматчиларининг забастовка ҳаракати кескин тус олган ва бу забастовкаларнинг қатнашчилари ўз ҳуқуқлари ва манфаатларини қаттиқ туриб ҳимоя қилиш ҳамда монополияларнинг ҳужумига зарба беришга астойдил қарор қилганлар.

• Конкурсга таклиф этамиз

Мўғулистон ҳақида нима биласиз?

Шу йил 14-июлгача икки ярим ой давомида мамлакатимизда Мўғулистон Халқ революциясининг 50 йиллик юбилейига бағишланиб мўғул-совет дўстлиги ойлиги ўтказилади.

Шу муносабат билан мўғул-совет дўстлиги жамияти Марказий Совети Мўғулистон Халқ Республикаси Министрлар Советининг Ахборот, радио ва телевидение Давлат Комитети билан ҳамкорликда «Мўғулистон тўғрисида нима биласиз?» мавзуида викторина ўтказади.

Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар қилувчи Ўзбекистон Жамияти барча хоҳловчиларни бунда иштирок этишга таклиф қилади.

Мўғул халқи Совет Иттифоқининг барча халқлари, шунингдек, бошқа қардош социалистик мамлакатлар, дунёнинг барча прогрессив кучлари билан бирга 11 июлда Мўғулистон Халқ революциясининг 50 йиллигини тантанали суратда нишонлайдилар. Ана шу муҳим воқеа муносабати билан Мўғулистон Халқ Республикаси Министрлар Совети ахборот, радио ва телевидение Давлат комитети мўғул-совет дўстлиги жамияти Марказий Совети билан бирга «Мўғулистон ҳақида нималарни биласиз?» радио викторинаси ўтказишга қарор қилди.

Конкурснинг мақсади: 1921 йилдаги Мўғулистон Халқ революцияси ғалабасининг тарихий моҳиятини очиш; социализм қурилишида мўғул халқи эришган муваффақиятлар билан радио тингловчиларни таништириш, қардош мамлакатлар халқлари билан интернационал дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга қаратилган.

Конкурс шартлари.

Радиовикторинанинг ҳар бир тингловчиси қуйидаги беш саволга жавоб бериши лозим:

1. Мўғул халқининг доҳийси Сухе-Батор ва унинг пролетариат доҳийси В. И. Ленин билан учрашуви тўғрисида нималарни биласиз?

2. Мўғул-совет дўстлигини ифода этувчи юридик жиҳатдан расмийлаштирилган қандай ҳужжатлар сизга маълум?

3. Мўғул ва совет халқлари ўртасидаги иқтисодий ва маданий ҳамкорлик тўғрисида сўзлаб беринг.

4. Мўғулистон Халқ Республикасининг социализм қурилишидаги эришган ютуқлари ҳақида нималарни биласиз?

5. Мўғул халқининг ҳаёти ва урф-одатлари тўғрисида сўзлаб беринг.

Мўғулистон Халқ Республикаси Министрлар Совети Ахборот, радио ва телевидение Давлат Комитети ва мўғул-совет дўстлиги жамияти Марказий Совети қуйидаги мукофотли ўринларни таъсис этишга қарор қилди:

Биринчи ўрин — иккита мукофот. Радиовикторинада биринчи ўринни олган гуруҳларга Мўғулистонга бориш учун текин путёвкалар берилади. (У ерда бўлиш муддати 7 кун).

Иккинчи ўрин — бешта мукофот.

Учинчи ўрин — ўнта мукофот.

Конкурснинг иккинчи ва учинчи ўринларини эгаллаган гуруҳлари миллий эсдалик совғалари билан тақдирланадилар. Шунингдек, конкурснинг актив иштирокчилари рағбатлантирувчи мукофотларни оладилар.

Конкурс иштирокчиларининг хатлари шу йил 15 июлгача қуйидаги адрес бўйича қабул қилинади. МХР, Улан-Батор шаҳри, радио п/я 365. Конкурс натижаларини шу йил август ойининг бошларида эълон қилинади.

Ҳурматли викторина қатнашчилари!

Биз «Улан-Батордан гапирамиз» деган эшиттиришларимизда Мўғулистон Халқ Республикаси тарихи, мўғул халқининг ҳаёти ва социализм қурилишида қучаётган муваффақиятлари тўғрисида ҳикоя қилиб борамиз. Радиовикторинада сизга берилган саволларнинг жавобларини сиз бизнинг суҳбатларимиз, очерклариимиз, репортажларимизда ҳам эшитиб боришингиз мумкин.

МХР Ахборот, радио ва телевидение комитети, мўғул-совет дўстлиги жамиятининг Марказий Совети.



ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР.

Мана бу суратда яқин келажакда шаҳримизда бунёд этиладиган уч ҳавзали сув спорти саройининг макети акс этган. Кўпгина халқаро мусобақаларни ўтказиш учун мўлжалланган бу замонавий спорт иншоотини Тошкентдаги «Ўзгипротяжпром» лойиҳа институтининг бир группа лойиҳачилари тайёрлаганлар.

М. Нуриддинов фотоси.

Умрингдан барака топ

ЯХШИ ФАЗИЛАТЛИ КИШИЛАРИМИЗ

Узун тун эзиб ёққан ёмғир бутун атрофни лойга буркади. Одатдагидан эрта уйғонган Ҳикмат бобо ҳассасини тўқиллатиб Бешқайрағоч томон йўл олди. У тор кўчадан катта йўлга чиқишга улгурганн ҳам йўқ эди, орқадан катта тезликда келаётган машина товушини эшитди. Чол орқага ўгирилиб қараганда, енгил машина ўзини гоят яқинлашиб қолганлигини кўрди.

Нуроний мўйсафид ёнига келган машина оҳиста тўхтади, унинг олдинги эшиклари очилар-очилмас, шофернинг товуши эшитилди:

— Ассаломалай к у м, отахон!— Йўл бўлсин!

— «Бирлик»даги невараларимни соғиниб уларни кўргани боряпман, болам,— деди чол.

— Йўлимиз бир экан, марҳамат машинага ўтиринг!— чолни таклиф этди шофер.

Мўйсафид мамнун бўлиб машинага ўтирди.

Шофер ва отахон йўл-йўлакай гурунглашиб кетишди. Суҳбат қизиб кетганлигидан унар Бешқайрағочга етиб келганларини сезмай қолишди.

— Мана, отахон, «Бирликка ҳам етиб келдик. шу кўчадан тўппа-тўғри юрсангиз, невараларингизникига борасиз,— деди-да, мулозамат билан машина эшигини очди.

Ҳикмат ота ўзида йўқ қувонч оғушида машинадан тушди. У зудлик билан чўнтагидан бир сўлкавойни олиб, миннатдорчилик билдириш учун шоферга ўгирилганида, машина тўхтаган жойида йўқ эди. Чол заруб бир галини айтишга улгурмай қолган кишидай йўлга боқди. Шунда унинг кўзлари қорайиб юз метрча узоқлашиб қолган, кафтдек асфальт йўлда қушдай учиб бораётган машинага тушди.

— Раҳмат шофер болам, умрингдан барака топ! Фарзандларингни роҳатини кўр!— деди чол машина юриб кетган томонга шодон ва маюс тикилиб.

Отахон қалбидан отилиб чиққан бу миннатдорчилик сўзларини бекатда автобус пойлаб турган бир гуруҳ йўловчилартина эшитди, холос...

Инсоний сифатлари билан кишилар ҳурматини қозонаётган олий ҳиммат шофер Набижон Тўлаганов билан учрашиш мақсадида бешинчи автокомбинатга бордик. Бу ерда Набижон акани бир ёш шофер йигит билан суҳбатлашиб турганида учратдик.

— Укам, шуни сиз ҳеч қачон унутмангки чопиб борган жойга бироз секинроқ ҳам бориш мумкин,— дея таъкидларди шофер ўз шогирдига.— Таксингизда кетаётган йўловчиларнинг тақдири рулда ўтирган шоферга боғлиқ бўлади. Шундай экан, унинг бирдан-бир мақсади — пассажирларни эсон-омон манзилларига элтиб қўйишга қаратилган бўлиши зарур.

— Қимматли маслаҳатларингиз учун ташаккур, — деди-да устозидан узр сўраб, у машина рулига ўтирди. Ёш шофернинг шу пайтдаги ҳолатини кўрган киши эл оғзига тушган Набижон акадан гоят миннатдор эканлигини ўқиб олиш қийин эмасди.

Набижон ака билан суҳбатлашиб ўтирибмиз. Барча яхши фазилатларни ўзида мужассамлантирган ҳамсуҳбатимиз ўзи хусусида гап кетгудай бўлса, қисқа сўзлашга ёки иложи борича гапиртмасликка ҳаракат қиларди. 1934 йилнинг бошларидан буён шу касбда ишлаб келаётганлигини айтди.

Суҳбатга Набижон аканинг шогирди, милиция капитани Маҳмуд Жалилов аралашди. У ишчан шофер комбинат коллективи фахригина эмас, балки, кўпчилик ёш ҳайдовчиларнинг меҳрибон устози эканлигини ҳам айтди.

Чиндан ҳам бу жонкуяр шофердан шоферликнинг алифбосини ўрганганларни истаганча топиш мумкин. Ака-ука Абдусаттор, Абдуаҳрор Қўчқоровлар, Мавзур Шоабдураҳмонов, Анвар Турсунов ва бошқа кўплаб шогирдлари ўз устозлари билан ҳақли равишда фахрланишади.

Набижон аканинг сменадошн Облоберди Маматовни учратиб қолдик. У ҳам жонкуяр шофернинг қалдирғоч шогирдларидан бўлади. Шофер йигит устози шаънига юрак сўзлари қайд этилган бир энлик хатни кўлимизга тутқазди. Мактубда қуйидагилар ёзилган эди: «Ҳурматли редакция! Ажойиб, дилкаш кишиларни кўрганда, юракдан суюнаман. Кувончдан бошим кўкка етгудек бўлади. Шунда бахтли замонамга бўлган меҳрим минг бор ортиб кетади. Тўғри, шундай одамлар бўладики, улар билан суҳбатда бўлиш у ёқда турсин, ҳатто, дийдор ҳам кўришмаган бўласан. Тақдирнинг тақозоси билан уларга дуч келганингни билмай қоласан. Сен билан жаҳаннам ўртаси бир қадам бўлиб турганда, улар ёрдамларини аямайдилар. Сени ўлимдан сақлаб қоладилар. Шундай кезларда шоирнинг қуйидаги сатри бенхтиёр хаёлингга келади.

Одамларни билиш учун тилламайин
Улар билан то ўлгунча яшаш шарт эмас...

Оддий касб эгаси Набижон Тўлагановнинг олийжаноблиги юрагимда ўчмас из қолдирди. Тўлқоқ тутиб, ноқулай аҳволда қолганимда, шу кишн жонимга оро кирди. Мени зудлик билан туғруқхонага олиб борди. Мана, шу қизалоғим — Хуршидахон ҳозир ярим яшар бўлди. Мен шофер Набижон аканинг кўрсатган олийжаноблигини ҳеч қачон унутмайман. Миннатдорчилигимни газета орқали шоферга етказишларингни илтимос қиламан.

Иброҳимова Ўлмас,
уй бекаси, Самарқанд дарвоза, Большевик кўчаси, Меҳнаткаш тупик, 20-уй».

Шофер Набижон ака Тўлаганов билан хайрлашарканмиз, биз ҳам ўз навбатида бу олийжаноб кишига сиҳат-саломатлик, сермазмун умр, ишларига муваффақият тилаб, изимизга қайтдик.

Кенжа ҲАМРОЕВ.

ТЕКИНХЎРЛИК, БЕЗОРИЛИК ВА ИЧКИЛИКБОЗЛИККА ШАФҚАТ ЙЎҚ!

ЗЎРАВОННИНГ ЖАЗОСИ

Шу йил 24 март куни Навоий кўчасига жойлашган «Средазгипроводхлопок» идорасининг олди қий-чув бўлиб кетди. Ўртада турган бир йигит ҳаммага пичоқ ўхталган, атрофдагилар уни тутиб олишга ҳаракат қилган, бошқалар ҳайрон...

Маълум бўлишича, Рашид Шаропов деган кап-катта йигит қийиб олган-у, кўчадан ўтиб кетаётганида ана шу бино кўзига ҳунук кўриниб кетган. Бутун кучини биздагига йиғиб, бино деразаларини тошбўрон қила бошлаган. Тошлардан биттаси шу ерда ишловчи ҳодим Бриксинга тегиб, уни яраланган. Бриксининг ҳамкасблари пастга югуриб тушишган-у, безорилик қилаётган Рашидни ушлаб олмоқчи бўлишган. Лекин у «кайфи ошиб» кетиб, Ўрмоновнинг қорнига тепган, пичоғини қинидан чиқариб ҳаммангни сўйиб ташлайман деб дўқ қилган.

Рашид Шаропов қаердан келиб қолди? Нима учун бегуноҳ одамларни ҳафа қилди? Бу саволга унинг ўзи ҳам дурустроқ жавоб беролмайди.

— Билмай қолибман, ичган эдим...

«Ичган эдим». Жиноятни оқлаш учун далил бўлармикан бу сўз? Аксинча, ичиб жиноят қилиш айбни янада оширмасмикин? Шароповнинг юз тубан кетиши анча илгари бошланган эди. У ўзи туғилган Андижон шаҳридаги «Сельмаш» заводида туппа-тузук слесарь бўлиб ишлаб юрарди. Янги йилда ишдан бўшади-ю, айнади. Боши айланиб, Тошкентга келиб қолди. Турар-жойининг, касби-корининг тайини йўқ, кўча-кўйда тентираб юраверди. Бекорчилик ичкиликбозликка, ичкиликбозлик эса жиноятга уланиб кетди.

Тошкент шаҳар Октябрь район халқ суди ота-безорни тўрт йил қамоқ жазосига ҳукм қилди.

Ҳ. ЗУФАРОВ.

Октябрь район халқ судьяси.

ТУЗАТИШ

Газетамизнинг 127-сонида эълон қилинган меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Советига депутатликка номзодлар рўйхатига Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети қуйидаги тузатишларни киритди. Шундай ўқилиши керак:

— 152-сайлов округи—Топорнина;

— 164-сайлов округи—Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети юстиция бўлимининг мудири;

— 216-сайлов округи— архитектура-планлаштириш бош бошқармасининг бошлиги;

— 234-сайлов округи — «Горремстройтрест» 5-ремонт-қурилиш бошқармаси ҳодимларидан;

— 441-сайлов округи—Насимов Муҳаммад-Амин, 1921 йилда туғилган—Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Давлат хавфсизлик комитети раисининг ўринбосари — суд экспертизаси илмий-тадқиқот институти ходимларидан;

— 174-сайлов округи—Нодир;

— 195-сайлов округи—1928 йилда туғилган;

— 163-сайлов округи—1920 йилда туғилган;

— 479-сайлов округи—1931 йилда туғилган;

— 262-сайлов округи—КПСС аъзоси.

Редактор. С. М. КАРОМАТОВ.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 5|VI да **Риголетто.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 3|VI да **Аяжонларим,** 4|VI да **Мирзо Улуғбек,** (Спектакллар кеч соат 8 да бошланади).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 3|VI да **Паранжи сирлари,** 4|VI да **Қайнона,** 5|VI да **Севишганлар хиёбони.**

Кино

3 ИЮНДА
ҚИШКИ БИНОДА

Катта сайр (2 серия) — САНЪАТ САРОЙИ, «СПУТНИК», «МОСКВА», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кечқурун), «ЧАЙКА» (кеч 9 да), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кеч 8 да).

Том Жонс (2 серия)—«ЧАЙКА» (кеч 6.50 минутда), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кеч соат 9.45 минутда).

Спорт, спорт спорт — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» «КЎКЧА» (тоқ соатларда).

Ҳаётни беҳуда ўтказганлар — «ЎЗБЕКИСТОН» (кечқурун).

Саргузашт изловчилар — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (тоқ соатларда).

Бу телба дунё... — НАВОИЙ номли (кечқурун).

Ёқимтой жаноб «Р» — «ВОСТОК» (жуфт соатларда).

ЁЗГИ БИНОДА

Катта сайр (2 серия) — «ФЕСТИВАЛЬ».

Мангулик элчилари — «ХИВА».

4 ИЮНДА
ҚИШКИ БИНОДА

Катта сайр (2 серия) — САНЪАТ САРОЙИ, «СПУТНИК», «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Ҳамиша навқирон ёшлик — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 12, 2 ва 4 да), «ВОСТОК» (жуфт соатларда), «МОСКВА» (тоқ соатларда).

Кармен — «МОСКВА» (кеч соат 8 яримда), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кеч соат 8 ва 9 да).

Бу телба дунё... — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Сангам (3 серия) — «КЎКЧА» (ўзбек тилида, кундуз ва кечқурун).

Ҳаётни беҳуда ўтказганлар — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

ЁЗГИ БИНОДА

Ҳаётни беҳуда ўтказганлар — ТЕЛЬМАН номли.

Катта сайр — «ФЕСТИВАЛЬ».

Мангулик элчилари — ХИВА».

15 июнь кундуз соат 1 да Тошкент қишлоқ хўжалик институти агрохимия ва тупроқшунослик факультетининг илмий совет кенгаши (49-аудитория)да биология фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

Х. Х. Кимсанбоев: Трифторметилфеқилдиметилмочев и нанинг Госсупнум Л, Хенопондиум Л, Матрикария Л онла вакилларининг дезоксирибонуклеин кислотасининг айрим хусусиятларига таъсири» деган темада:

Х. Мирхайдаров: «Делопонинг ғўза ва гўмайга физиологик таъсирининг уни қўллаш усулига боғлиқлиги» деган темада.

15 июнь кундуз соат 1 да Тошкент қишлоқ хўжалик институти агрономия факультетининг илмий совет кенгаши (60 аудитория)да қишлоқ хўжалик фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

А. Хикматов: «Амид ва аплид маҳсулотларининг гербицидлик хоссаси тўғрисида» деган темада;

Г. Н. Ломухина: «Пахта сифатининг минерал озиқланиш шароитлари ва етиштириш зоналарига боғлиқлиги» деган темада

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР

Диссертациялар билан институт кутубхонаси (Тошкент область, Оржоникидзе район, 4-алоқа бўлимида) танишиш мумкин.

17 июнь кундуз соат 2 да Тошкент политехника институти тог-металлургия ва геология қидирув факультетларининг совет кенгаши (Гоголь кўчаси, 68-уйда геология-минералогия фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

Л. П. Биковская: «Ўрта Осиедаги симоб ва сурма конларининг дастлабки ореолдар сочилиш типлари ва составн» деган темада;

А. С. Йўлдошева: «Коксу дарёсининг қуйи оқимидаги магматик тог жинслари петрографияси ва уларнинг райондаги рудаларга таъсири» деган темада

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР

Диссертациялар билан институт кутубхонаси (Навоий кўчаси, 13-уйда) танишиш мумкин.

ТОШКЕНТ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИНИНГ МЕХАНИКА ФАКУЛЬТЕТИ

(Студентлар шаҳарчаси)

5 ИЮНЬ КЕЧ СОАТ 7 ДА факультетни битирганлар билан

ТАНТАНАЛИ УЧРАШУВ КЕЧАСИ ЎТКАЗАДИ

Реклама ва эълонлар

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
4, 5, 6 ИЮНЬ КЕЧ СОАТ 8 ДА
ҚОРИЕҚУБОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ АРТИСТЛАРИНИНГ

Концерти

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Вилоят Оқилова;

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Дилбар Фаёзова;

Солистлар: Комилжон Баратов, Неъматжон Қулабдуллаев, Гулшод Отабоева, Қизлархон Дўстмуҳамедова, Шариф Каримов, Дилафруз Жабборова, Назира Шералиева.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АНСАМБЛИ

Билетлар кундуз соат 2 дан бошлаб сотилади.

Телевизор

3 ИЮНЬ
ПАЙШАНБА

Биринчи программа. Москва кўрсатади. 17.30 Кўрсатувлар программаси. 17.35 Болалар учун «Болаларга ҳайвонлар ҳақида». 18.05 Концерт. 18.30 Миллионлар ленинча университети. **Тошкент кўрсатади.** 19.00 Кўрсатувлар программаси. **Рус тилида:** 19.05 Болалар учун мультфильм. 19.15 «Ахборот» информацион программаси. 19.30 Футбол бўйича СССР чемпионати. «ҚАНРАТ» (Олмаота) — Нефтчи (Боку). Олмаотдан олиб кўрсатилади. Танаффус вақтида «Ахборот» информацион программаси (Ўзбек тилида) **Ўзбек тилида:** 21.15 «Ташишинг, «Гулёр» вокал квартети». 21.45 КПСС XXIV съезди қарорлари — ҳаётга! Сирдарё зарбдор қурилиши. 22.05 Ўзбекистон XV спартакиадаси якунлари. 22.30 Ш. Қурбонов. «Фироқингда». Ҳамза номидаги Кўқон драма театрининг спектакли. **Москва кўрсатади.** 24.00 «Вақт» информацион программаси. 00.30 Москва кўрсатувларининг охири.

Иккинчи программа. Тошкент кўрсатади, Рус тилида: 18.00 Болалар учун мультфильм. 18.20 «Чук ва Гек» бадиий фильм. **Москва кўрсатади.** 19.00 Бутуниттифоқ радио ва телевидениеси рус кўшиқ корининг концерти. 19.45 «Петр Соколовнинг раислик ҳаёти». Ҳужжатли фильм. 20.05 Янгиликлар. 20.15 Рангли телевидение. «Мавзу вариацияларн балан». 21.25 Рангли телевидение. Телевизион миниатюралар театри. «Бизнинг қўшнилар». 22.20 Камер кечаси. А. Пушкин лирикаси композиторлар асарларида.

Учинчи программа. Тошкент кўрсатади. Ўзбек тилида: 20.00 «Диққат, душман яқинлашмоқда». Телефильм. 20.45 Асалар, сизлар учун. 21.05 «Хўжа Насриддиннинг 12 мозори» бадиий фильм.

4 ИЮНЬ
ЖУМА

Биринчи программа. Москва кўрсатади. 17.30 Кўрсатувлар программаси. 17.35 Ўқувчилар учун. «Санъат ҳақида ҳикоялар». 18.00 Актуал камера. 18.45 Рангли телевидение. «Ўрмон фантазияси». Ҳужжатли фильм